

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 10 май, № 93 (4503)

Шанба

ИНСОН ҚАДРИ — УЛУҒ, ХОТИРАСИ БОҚИЙДИР

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган ушбу умумхалқ байрами мамлакатимизда кенг нишонланди



Мустақиллик йилларида бу кун том маънода инсон хотираси ва қадрга нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида мужассам этган муҳим тарихий санага айланди.

Хотира ва қадрлаш — инсон ақзаковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Нурунийларга чуқур хурмат-эҳтиром фазилатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Юртимизда ёш авлод улугларимизга хурмат, эътибор ва гамхўрлик руҳида тарбияланмоқда. Зеро, қалби меҳрмуҳаббатга, саховат ва шафқатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёрғу келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Президентимиз Ислон Каримовнинг яқинда эълон қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони кекса авлодга кўрсатилаётган эҳтирмининг яна бир ёрқин намунаси.

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф бурюрдилар.

Майдон узра сокин мусика таралади.

Жанггоҳларда жон фидо этган ватандошларимиздан қарийб 435 минг нафарнинг номлари "Хотира китоби"нинг зарҳал варақларига мангу муҳрланган. Юртбошимизнинг ташаббуси билан кейинги вақтда яна 3 минг 725 нафар ҳаюртимиз — бедарак кетган иккинчи жаҳон уруши иштирокчисининг номи аниқланиб, ушбу китоб саҳифаларида қайд этилди. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро

она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизда, барча вилоят ва туманларда эзгу аъёна бўлиб қолган Хотира ва қадрлаш кунини халқимиз кенг нишонламоқда, — деди Ислон Каримов. — Ҳақиқатан ҳам, халқимиз ҳаётда чуқур из қолдирган бу сана ҳар қайси уйда, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда доимо катта ҳурмат ва эҳтиром билан қутиб олинади. Нега деганда, Ўзбекистон замининда бирорта оила, бирорта хонадон йўқки, унинг тақдирини мана шу сана билан боғланмаган бўлса, яъни унинг ота-боболари иккинчи жаҳон уруши майдонларида фашизм балосига қарши курашмаган бўлса, ярадор ёки ҳалок бўлмаган бўлса.

Уруш бошланишидан олдин юртимизда яшаган 6,5 миллион аҳолидан 1 миллион 433 мингдан зиёди урушда қатнашган. Жангу жадалларда ҳалок бўлган, бедарак кетганлар, бир сўз билан айтганда, уруш майдонларидан қайтмаганларни ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг сони 450 минг кишидан ошади.

Уш пайтда юртимиз аҳолисининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини инобатга олсак, меҳнатга яроқли одамларнинг 55-60 фоизи фронтга сафарбар этилган, уруш балоси юртимиздаги бирорта хонадонни четлаб ўтмагани аён бўлади.

Давлатимиз раҳбари умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунининг аҳамияти, Хотира, Қадр тушунчаларининг мазмуни, улар моҳиятан чамбарчас боғлиқ эканлигини тўхтаблар экан, қуйидагиларни баён этди:

— Бундан ўн йил олдин биз 9 майга Хотира ва қадрлаш куни, деб ном берганимиз бежиз эмас. Бунинг замирида катта маъно борлигини вақт ўтиши билан тобора кенгроқ афлямпимиз ва унинг мазмунига теранроқ еттишимиз.

Хотира деганда барчамиз, авваламбор, нимани тушунамиз, нимани ўзимизга тасаввур қиламиз?

Авалло, тарихий хотира билан яшаш, инсон хотирасини ёд этиш, ўтганларнинг хотирасига юксак хурмат ва эҳтиром кўрсатиш — бу асл миллий қадриятларимизда, аъёналаримизда жуда катта ўрин тутаети.

Агар ҳаётга фалсафий кўз билан чуқурроқ қарайдиган бўлсак, хотирасиз яшаб бўлмайди, аслида, хотирасиз келажак йўқ.

Бугун барчамиз Ватанини ҳимоя қилиш учун, бизнинг шу осойишта кунларга етиб келишимиз учун уруш майдонларида кўксини қалқон, жонини фидо этган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, таъзим қиламиз.

Хотира, хотирлаш ҳақида гапирар эканмиз, бу тушунчани қадрлаш тушунчасидан ажратиб бўлмайди. — деди Юртбошимиз. — Ҳақиқатан ҳам, бу ёрғу кунларга нима ҳисобидан эришганимизни, бу йўлда қандай оғир курашлар, азоб-уқубат ва йўқотишлар бўлганини, қанчадан-қанча одамлар уруш майдонларида азиз жонини қурбон қилганини англамасак, тушунмасак, бугунги кунимизни, мусаффо осмонимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни англаш, унинг қадрига етиш қийин бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда орамизда, сафимизда соғсаломат, бардам яшаётган, бугунги ҳаётимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам ва азиз фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга ҳар томонлама хурматимизни билдириш барчамиз учун ҳам қара, ҳам фарз эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Мамлакатимиз раҳбари инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт эканини, айниқса, ўтганларнинг хайли ишларини ёдга олмоқ, қадрламоқ, шу билан бирга, муътабар кексаларимизнинг дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шуқроналик туйғуларини ҳис этиш кишига кучкуват бағишлашини, руҳимизни поклаб, янгидан-янг бунёдкорликларга чорлашини алоҳида таъкидлади.

— Бугунги кунда юртимизда 15,5 мингдан зиёд иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси ҳаёт кечирмоқда. Биз ана шу юртдошларимиз олдида умрбод қардоримиз. Биз бу фидойи инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар кун, ҳар соатда хурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур, — деди Ислон Каримов. — Уларнинг умрини қўлимиздан келганча, баҳоли қудрат узайтиришга, мазмуни қилишга, бунинг учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилишимиз керак. Бу олижаноб иш ҳар биримиз учун кундалик инсоний бурчимизга айланиши лозим.

Мана шундай қарашлар, мана шундай тушунчалар ҳақида гапирганда, илгарги айтган бир иборани такрорлашни ўринли, деб биламан. Савобли ишларни бажаришга шошилиш, уларни ўз вақтида қилишга улғурши, одам бу дунёдан ўтганидан кейин эмас, балки ҳаёт пайтида унга хурмат ва эҳтиром кўрсатиш зарур.

Шу борада қалбимдан чуқур жой олган яна бир фикрни таъкидламоқчиман деди, Юртбошимиз. Яъни, кексаларимиз, нуруний отахон ва онахонларимиз ҳақида сўз борар



экан, уларнинг ҳаёти ганимат эканини барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Ҳаётнинг ўзи кўп-кўп мисолларда шунинг уқтириб бермоқдаки, қайси ойда табарруқ кексалар бўлса, шу жойда, албатта, файзу барака, аҳиллик ва тотувлик бўлади. Чунки бу муътабар зотларни бамисоли хонадонларимиз фариштаси десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шундай экан, бугунги кунда ёнимизда яшаётган, ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини биз билан баҳам кўраётган муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг дуосини олиш, уларга энг эзгу ва самимий тилакларимизни билдириш — барчамиз учун катта бир бахтир.

Юртбошимиз бу борада Ўзбекистон ёшларига муайян тушушча ва тасаввур шаклланишини қайд этар экан, навқирон авлодни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бир қаторда, уларга замонавий билимини эгаллашлари учун ҳар томонлама кўмаклашиш, гамхўрлик қилишга эътиборни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

— Ёшларимиз, болаларимиз айни шу кунларда биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, деган фикрларни яна бир бор хаёлидан ўтказиб, шу ҳақда чуқурроқ ўйламоғи лозим, — деди Ислон Каримов.

Ота-боболаримиз бугунги ҳаётимиз учун, юртимизнинг эркин ва озод бўлиши, одамларимизнинг фаровон ва муносиб ҳаёт кечирishi учун, халқимизнинг ор-номусини ҳимоялаш, Ватанимизнинг шону шуқратини юксалтириш учун қандай машаққатли кунларни бошидан кечиргани, шу йўлда жонини фидо этиб, қаҳрамонлик кўрсатгани ёшларимизнинг юрагидан жой топса ва улар ўзинга савол берса: ота-боболарим эл-юрт учун ўзини аямасдан, бугунги ва эртанги кунимиз учун шундай катта хизмат қилган бўлса, менинг ҳам бу улғу ишларга ўз ҳиссамни қўшишга қурбим-қудратим етадимми?

Улар бошлаган ишларни давом эттириш, халқимизнинг эзгу мақ-

садларга етиши учун муносиб фарзанд, муносиб ўғлон бўлиб яшашга тайёрманми, деган фикр уларнинг қалбидан, юрагидан яна бир бор ўтадиган бўлса, ўйлайманки, бундай руҳ ва кайфият, ҳеч шубҳасиз, Хотира ва қадрлаш кунининг энг муҳим таъсири бўлиб, катта тарбиявий аҳамият касб этган бўлур эди, деди Президентимиз пироваддида. Илоҳим, ёшларимиз онгида, қалбидан ёниб турган хотира чироғи ҳеч қачон ўчмасин.

Шу кун Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига хурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечага қадар узилмади.

Президентимиз Ислон Каримов шу кун пойтахтимизда бунёд этилаётган Болалар ижодиёти кўргазма марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастурида мусика, рассомлик ва санъатнинг бошқа соҳаларида болаларнинг ижодий қобилиятини аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Сен ёлғиз эмассан", "Меҳр нури", Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Ҳаёт" нодавлат ношароит ташкилоти каби фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Дастурда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида иккита Болалар ижодиёти кўргазма маркази ташкил этили-

ши кўзда тутилган. Президентимиз ташаббуси ва лойиҳаси асосида бунёд этилган ушбу янги марказ шулардан дастлабкисидир.

Давлатимиз раҳбари Болалар ижодиёти кўргазма маркази билан танишар экан, Бино атрофидаги яшил майдонга — ландшафт дизайнига алоҳида эътибор қаратди.

— Ободонлаштириш, аввало, шаҳарозликнинг янги усуллари ва усулларини топиш ҳамда қўллаш, демаскидир. Биз иқлим шароитимизга мос дизайнларни яратишимиз лозим, — деди Юртбошимиз. — Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Янги бинолар қад ростламоқда. Бир сўз билан айтганда, халқимиз, фарзандларимиз, келажак авлод учун том маънодаги замонавий кулалликларни яратмоқдасиз.

Президентимиз қурилиш-бунёдкорлик ишларида, барча соҳалда бўлгани сингари, узокки қўзлаб иш тутиш лозимлигини таъкидлади.

— Бунёд этаётган иншоотларимиз нафақат бугунги авлодга, балки келажак авлодларга ҳам асрлар оша хизмат қиладиган даражада мустақам ва муҳташам бўлсин, — деди Юртбошимиз. — Шу маънода, ҳар бир ватандошимизнинг қалбидан қилаётган ишга, касбига, эл-юртига улкан меҳр-муҳаббат жўшиб турмоғи лозим. Токи, замондошларимиз бунёд этаётган боқий иншоотлар асрлар давомида бахтиёр авлодларимизга хизмат қилибгина қолмай, балки уларда ўз аждодларининг нозик диди ва бунёдкорлик салоҳиятидан фахрланиш ва гуруланиш туйғуларини ҳам уйғотсин.

Давлатимиз раҳбари Болалар ижодиёти кўргазма марказида ёш авлоднинг иқтидорини ривожлантириш, ижодий имкониятларини рўйбга чиқариш ва бу соҳада эришган ютуқларини кенг намоён этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш зарурлигини қайд этди. Бу борада мутахассис ва мутасаддиларга тегишли тавсиялар берди.

(ЎзА).
Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

«Шахрисабзмебель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ўтган йилнинг охирида ташкил этилган эди.

Замонавий технологиялар шарофати

Ишлаб чиқариш жараёни замонавий технологияга асосланганлиги тўғрисида махсулотларига талаб ошмоқда. Германия, Хитой, Туркия каби хорижий мамлакатлардан келтириб ўрнатилган дастгоҳлар махсулотни харидор талаби даражасида ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу қўшма корхона ўрнида илгари мебель ишлаб чиқарувчи турли-туман жамиятлар тузилган ва улар дастгоҳлари эскириб кетганлиги учун инқирозга учраган эди. Тадбиркор Фозилжон Аҳмедов Россиядан ҳамкорлар топиб, ишни юргизиш буюрди. Бугунги кунда мактаб ва коллежлар учун мебель ишлаб чиқариш билан бирга, 29 турдаги спорт жиҳозлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наманган вилоятидаги йирик корхоналардан бири — «Намангантэкстиль» тўқимачилик корхонасига Жанубий Кореянинг «Хийнтёкс Ко ЛТД» компанияси томонидан 10 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя жалб қилинди.

Корхонанинг қуввати ошди

Янги бизнес лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, бу ерда ишловчилар сони икки ярим минг нафарга етди. Йиллик махсулот тайёрлаш миқдори эса 61,5 миллион доллардан зиёдни ташкил этади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар




Навой шаҳрида Буюк Британиянинг «Nationwide Technologies Limited» компанияси томонидан «Navoly MILLING» хориж корхонаси ташкил этилди.

Махсулотнинг ярми — хорижга

Низом жамғармаси уч юз минг АҚШ долларидан иборат ушбу корхона ишга туширилгач, йилга икки юз минг тонна фосфорид ишлаб чиқарилади. Унинг эллик фоизи эса хорижга чиқарилади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Бухоро шаҳрида аъёнавий Ипак ва зирворлар фестивали бўлиб ўтди.

Ипак ва зирворлар фестивали

Фестиваль қуллари қадимий Лабиовуз атрофи чинакам Шарқ бозорига айланди. Бу ерда қўшни давлатлар ва республика-миз вилоятларидан келган ҳунармандлар зирвор етиштирувчиларнинг махсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Зардўз кий-дакорлар, гилачинилар тўқувчилар, кашта-дўзалар, халқ аминлар санъати усталари ўз касб маҳоратларини намоён этиб, олчун-сотида бўйча шартномалар тузишди.

Ислон ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқимиз минг йиллар давомида дунё тамаддуни учун буюк ихтиролар, кашфиётлар яратган. Таъбир жоиз бўлса, интеллектуал салоҳият, ахборот технологиялари асри, деб номланаётган XXI асрда ҳам юртимиз олимлари ўзининг иходий асарлари, ихтиролари, фойдали моделлари, санаят намуналари, ЭХМ дастурлари, маълумотлар базалари, селекция ютуқлари билан дунёда эътироф этилмоқда. Булар бежиз эмас.

ИХТИРОЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Негаки, айнан ашқлиқ йилларида интеллектуал фаолият натижалари ва уларнинг қонуний асосларини яратиш, интеллектуал мулк соҳасидаги қонуний ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ҳужжат этишга кенг йўл очиб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, тегишли кодекс ва қонуналар билан интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатлар тартибга солинаётган. Шу боис, мамлакатимизда интеллектуал мулк қонуни ҳимоясида, деяр баралла айташ мумкин. Қолаверса, Юрбошимиз ташаббуси билан интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини муҳофаза этиш, қонуний асосларини муостаҳкамлаш, тақомиллаштириш ҳамда ҳақон андозаларига уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Шу маънода яқиндагина Олий Мажлис Қонунийлик палатаси томонидан қабул қилинган "Ихтиролар, фойдали моделлар ва санаят намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимики, мазкур ҳужжатда муҳофаза қилиниши мумкин бўлган янги объектлар юзга келаятганлиги муносабати билан ихтиро сифатида қан-

дай техник ечим тан олинишига доир таъриф янгиланмоқда. Қолаверса, кечиктирилган экспертиза тизимини киритиш йўли билан ихтирочиларга кенг имконият яратилаётган. Ихтирога берилган талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш йўли билан вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза таъминланмоқда. Шунингдек, патент божлари белгиланган мuddатда тўланмаганлиги сабабли амал қилиши тўхтатиб қўйилган санаят мулк объектга берилган патентнинг амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига биноан тиклаш имконияти берилмоқда. Давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлар четга чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида ихтиролар ва фойдали моделлари бошқа мамлакатларда патентлаш тартиби белгиланмоқда.

Қонуни лойиҳасини иккинчи ўқигашга тайёрлаш жараёнида киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни амалдаги Қонуний божқа нормаларига таъсир кўрсатиши масаласи ҳам таҳлил қилинди ва унинг умумий концепцияси ҳамда мазмун-моҳиятига риоя қилган ҳолда ташкилий-техник жиҳатдан, яъни қонунийлик техникасига мувофиқ шакли ва тузилиши тартибга соли-

ди, тақомиллаштирилди. Хусусан, қонуний лойиҳасининг ўндан ошқ нормалари қонунийлик техникаси ва мантқиқий ёндашув тартибига қўра янгича баён этилди.

Шунингдек, айрим меъёр ва қоидаларни тўлдирилиши, ўзгартирилиши ҳамда атамаалари бир хилда қўллаш

▼ Парламент ҳаёти

билан боғлиқ қатор ўзгартиришлар ҳам киритилди.

Ҳақиқатан ҳам, фан-техника тараққиётининг боришида шундай ишланмалар юзга келадик, улар ихтиролар сифатида муҳофаза қилинаётган объектларнинг амалдаги таъбирини мос келмайд. Буларга, масалан, ген инженерияси объектлари, ташкил этиш ва бошқаришнинг техник усуллари (бизнес-усуллар), таълим бериш, ўқитишнинг ўтказиш усуллари ва бошқалар кирди. Келажакда юзга келиши мумкин бўлган янги турдаги объектларга муҳофаза тақдим этиш йўлидаги тўқсанлиқни бартараф этиш мақсадида Қонунда ихтиро сифатида ҳимояланаётган объектларнинг таърифи келтирилди. У ихтиронинг техник

характерини қайд этади ва ихтиро сифатида муҳофаза қилинадиган объектлар рўйхатини чекламайди.

Қонунга киритилган қўшимчага биноан, санаят мулк объектлари устуворлиги олдин топширилган бир неча талабнома ёки уларга доир қўшимча материаллар асосида мавжуд шартларга риоя қилинган ҳолда белгиланиши мумкин.

Янги техник ютуқлар нўзрасидаги ахборотни манфаатдор шахслар эътибо-

қилинган экспертиза процедураси деярли барча Европа мамлакатларида, Австралия, Буюк Британия, АКШ, Россия, Хитой, Корея, Японияда қабул қилинган. Патент қоралари тўғрисидаги шартнома (РСТ) бўйича тақдим этилган талабномалар ҳамда Европа патент идорасида Европа патентини олиш учун тақдим этилган талабномалар кечиктирилган экспертиза тизими бўйича қўриб чиқилади.

Санаят мулк объектга патент берилиши ҳамда унинг фуқаровий муомалага киритилишини тезлаштириш мақсадида, патент бериш энди аввалгидек уч ой ўтгандан кейин эмас, балки ўн кун ўтгандан кейин берилиши мумкин. Молиявий қийинчиликларга дуч келаятган патент эгаларининг манфаатларини таъминлаш мақсадида, Қонун патент божни тўланмагани тўғрисида амал қилиши тўхтатиб қўйилган санаят мулк объектларига берилган патентнинг амал қилишини тиклаш имконияти ҳақидаги янги модда билан ҳам тўлдирилди. Патент эгаси патентни тиклаш ҳуқуқидан ҳақиқатан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун патентнинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган санаят мулк объектларига илтимоснома берилган ҳолда қўриб чиқилди.

Талабнома берувчи ўз хоҳишига қўра экспертизанинг ўтказилишини уч йилга кечиктириши, бу вақт мобайнида қўшимча маркетинг тадқиқотларини ўтказиши, ўз ишланмасига патент олиш қанчалик мақсадга мувофиқ эканини яна бир бор баҳолаши мумкин. Бунда илтимосномани топшириш мuddати талабнома берувчининг талабнома берилган санаят уч йил ўтмасдан туриб берилган илтимосномаси бўйича иккинчи ойга қўзғилиши мумкин. Талабнома берувчи бу вақт мобайнида, агар Қонуннинг амалдаги таърифида белгилангандек, талабнома топширилганидан кейин уч ой мобайнида патент божини тўлашда молиявий муаммолар юзга келган бўлса, уларни ҳал қилиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Ихтиро учун талабноманинг қабул қилинган экспертиза процедураси деярли барча Европа мамлакатларида, Австралия, Буюк Британия, АКШ, Россия, Хитой, Корея, Японияда қабул қилинган. Патент қоралари тўғрисидаги шартнома (РСТ) бўйича тақдим этилган талабномалар кечиктирилган экспертиза тизими бўйича қўриб чиқилади.

Насимжон АЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунийлик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

ШЕРОБОДНИНГ НАФИС ЧИННИЛАРИ



Махмуд МАМАРАЙИМОВ олган сурат.

Шеробод туманидаги "Кулол" масъулияти чекланган жамияти бунга ёрқин мисолдир. Жамоа шу кунларда миллий андозалар асосида 23 турдаги чинни ҳамда сопол буюмларни тайёрламоқда.

— Корхонамизда 30 нафардан зиёд йи-

гит-қиз ишлайди, — дейди унинг раҳбари Сарвар Қаршиева. — Кулолчиликда, аввало, туپрокнинг тозаллигига эътибор қаратиш лозим. Чунки бу буюм сифати ва бежиримлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулот харидорлигининг яна бир

омили — бу унинг қай даражада пардозланшидир. Бу тарафдан бизнинг кўнгилмиз тўқ. Зеро, Тамара Шодмонова (суратда) сингари қўли гул пардозловчилар корхонамизда қўллаб топилади.

А. ҚОДИРОВ.

Сурхондарё аҳолиси қадим-қадимдан деҳқончилик қатори хунармандчилик соҳасида ҳам доврүк қозонган. Олиб борилган археологик қазилар чоғида топилган турли сопол ва чинни буюмлар воҳада бундан бир неча ўн аср аввал ҳам кулолчилик гуллаб-яшнаганлигидан дарак бериб турибди. Эътиборлиси, бу аънанани ҳозирда муносиб ворислар давом эттиришапти.

Доимий комиссияларда

Мамасоли Сиддиқов «Нуроний» жағғармаси Қўрғонтепа бўлимининг бошқаради. Ёши улғу кексаларнинг бошини қовуштириб, уларнинг қувончига, ташвишларига ошнолик қилади. Шу билан бирга, 7-Жомий округидан туман кенгашига депутат сифатида ўз сайловчилари ишончини оқлаш ҳаракатида бўлади. Ва яна туман кенгашининг «Иқтисодий-маданий ривожланиш масалалари» доимий комиссиясига аъзолик ҳам қўлади.

Депутат жамиятининг эл қорига ярай оладиган, қабул қилинаётган янги қонуналар муҳиятини омма ўртасида тарғиб қилиб, халқнинг барча қатламларига етказадиган, ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаган шахс бўлишини шўнинг ўзи тақозо этмоқда. Шўнингдек, у маҳаллий ҳокимлик билан фуқароларни бир-бирига боғлаб туришга ҳам хизмат қилади.

— Депутатлик имтиёз ҳам, мартаба ҳам эмас, — мулоҳаза юритади Мамасоли Сиддиқов. — Бироқ у халқ томонидан юксак ишонч билдирилган, яхшиларнинг яхшиси сифатида танлаб олинган инсон. Сайловчилар умид билан ҳузурингизга келиб, юрагидagi гапларни сизга айтганим, улар томонидан қўрилган масалаларга ечим топиш чорасини қўрсангиз айни мuddа.

Бу гал қўшнинг совуқ келиши мактаблар, болалар боғчалари ходимларини жиддий синовдан ўтказди. Яширмайман, болаларнинг машғулотларга қатнови қисман сувайди. Биз жойлардаги аҳолини ўрганиб, мазкур масалани доимий комиссиянинг навбатдаги йиғинида қўриб чиқдик. Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари олди-га аниқ вазифалар қўйилди. Қўмакка муҳтож айрим боғчаларда аҳоил тўдан яшиланди. 4-умумтаълим мактаби, 41-гимназия, 43-иқтисослашган мактаб-интернатларда ўқувчиларнинг шарт-шароити ижобий томонга ўзгарди.

Эшон қўшлоқдаги мактаб муаллимлари ўқув даргоҳи

Аёллар ташаббуси

Тошкент вилоятида аҳоли бандлиги муаммосини ижобий ҳал этиш борасида қўллаб оиратли ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, Урта Чирчиқ туманида паррандачиликка ихтисослашган Аёллар уй меҳнати маркази очилди. Замонавий технологиялар асосида ишловчи мазкур шохобча шахсий ёрдамчи хўжалиқларида товуқ боқиб истагида бўлганларга зотли жўжалар етказиб беради.

Хонадонларда паррандачилик ва чорвачиликнинг кенг йўлга қўйилиши аҳолини иш билан таъминлашда, айниқса, иқтисодий қўмакка муҳтож оилаларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Мутахассислар шунга назарда тутиб, келгусида вилоятнинг бошқа туман-шаҳарларида ҳам марказ филиалларини очиб режалаштирмоқдалар.

Омонбой ОЛЛАЕВОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

Абдунаби ХАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабарлар

Пешкулик Ҳасан Қўшаев Нийёзхўжа қишлоғи чеккасидаги қарийб 5 гектар яроқсиз ерда фермер хўжалиги ташкил этиб, сув ҳавзасида балиқ етиштириши йўлга қўйган эди.

Фермерлар балиқ етиштирмоқдалар

Туманда шу йилнинг апрель ойидан бошлаб балиқчиликка ихтисослашган яна иккита фермер хўжалиги фаолият кўрсатишга киришди.

Балиқчилик тармоғини ривожлантириш дастурига мувофиқ, жорий йилда Бухоро вилоятида балиқ овлаш ҳажмини 151 тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Иброҳим ИСТАМОВ.

Ёғ миқдори кўпаяди

Кизилтепа туманида ўтган йили ишга туширилган "Вангози агроэкспорт" масъулияти чекланган жамиятида 125 млн. сўмлик жиҳозлар ўрнатилди. Ёрни дезодорация қилиш, яъни доғлашда ишлатиладиган янги ускуналар "Заминвестлизинг" компанияси кўмаги билан ХХРдан келтирилди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Вунёдкорлик

БОЗОР — ЮРТ КЎРКИ

Қорақалпоғистон Республикасида "Нукус деҳқон бозори"ни замонавий масканга айлантириш борасида муайян ишлар олиб борилапти.

Бунга "Ипотека банк"нинг Қорақалпоғистон филиалидан ажратилган 550 млн. сўм миқдордаги кредит замин яратди.

Ҳозиргача ҳиссадорлик жамиятининг ёпик бозор қисми тўлиқ реконструкция қилиниб, ўндан ўттизга яқин савдо шохобчалари ўрин олди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик Кодекси»да қўрсатилгандек, шартномалар тарофларининг эркинлиги, уларнинг ўзаро розилиги ва тенглиги принциплари, ўз мажбуриятлари юзасидан ҳаракатларни қоида тариқасида ҳақ эвазига бажаришига асосланган ҳолда тузилади. Шартномаларни расмийлаштириш чоғида томонлар унинг намунавий шакллари амал қилишлари зарур. Вилоят адлия бошқармаси ана шуну ҳисобга олган ҳолда Адлия вазирлигиди ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган намунавий лойиҳаларини вилоятдаги барча тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга етказиб берапти.

Шартномавий мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш, мониторинг тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ қонуний назорат тадбирлари ҳам ҳукумат қарорига биноан, республика адлия тизими зиммасига юклатилган. Шу нуқтаи-назардан фикр юритиладиган бўлса, ижрочи, буюртмачи, таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ва назоратчи органларнинг пировад мақсади шартнома талабларини бекаму-қўст адо этишдир.

2007 йили вилоят адлия бошқармаси шартномаларнинг бажарилиши юзасидан тегишли суд инстанцияларига жами қий-

ШАРТЛАШДИНГМИ, ЛАФЗИНГДА ТУР

мати 515,1 миллион сўмлик 910 та даъво аризаси киритди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йўлланган даъво аризалари сони 297 тани, даъво қиймати эса 41,8 миллион сўмни ташкил этди. Камчилик ва нуқсонларнинг асосий қисми «Узпахтасаноат» тизими корхоналарида аниқланди.

Шовот туманида фаолият кўрсатиб келаятган «Уста Магсаф» фермер хўжалиги раҳбари Ш. Удабовнинг аризасини ўрганиш жараёнида фермер туман пахта тозалаш очик акциядорлик жамиятига контрактация шартномасида белгиланган 23 тонна ўрнига қиймати 11,8 миллион сўмлик 44,1 тонна пахта хом ашёси етказиб берганлиги маълум бўлди.

▼ Масъулият

қўлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Хўжалик суди ушбу даъвоини қаноатлантириш, фермернинг қонуний ҳақини ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди. Суд тўлов мажбуриятлари адо этилмаганлиги сабабларини ҳам ўрганди ва бунда пахта тозалаш корхонаси раҳбари О. Нурхоновни айбли деб топди. Шартномавий мажбуриятга бепасандлик билан қараган раҳбар маъмурий жавобгарликка тортилди, тегишли миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.

Шунга монанд бошқа бир совуқонлик ҳолати Гурлан «Пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида ҳам кузатилди. Корхона

раҳбарининг эътиборсизлиги оқибатида мазкур туманда ҳам тўлов мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганлиги 17 та фермер хўжалигининг моддий манфаатларига зиён етганлиги аниқланди.

Вилоятда фуқаролар, ризқ-

12 май — "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи очилган кун

АБАДИЯТГА МУҲРЛАНГАН ЭҲТИРОМ

Бундан саккиз йил муқаддам Президентимиз ташаббус билан мамлакатимизда мустақиллик даври қурбонлари хотирасини абадилаштириш мақсадида "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Кексаларнинг айтишича, кишилар онги ва тасаввурини муҳим из қолдирган бу кўрмисиз жарлик илгари Алласти кўприк деб аталган экан. Ушбу жойда халқимизнинг кўплаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган. Янада аянчли томони шундаки, айнан шу ерда миллатимизнинг ифтихори бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон сингари юзлаб улуг зотлар қатл этилган экан.

Тарихнинг не-не талафутларига гувоҳ бўлган мазкур хилват гўша бугун таниб бўлмаган даражада қиёфа касб этди. Қимсасиз ва кўрмисиз жой — пойтахтимиз марказидан оқиб ўтувчи Бўзсув соҳилида эндиликда муаззам хиёбон қад ростлаб турилди. Илмининг турт фаслида ҳам бу ерга ташриф бургангиз, ўзига хос манзарани кўриш мумкин. Айни кунларда эса бурлиб оқётган Бўзсувнинг икки соҳили кенг ва яшил сайхонлик бағрида ястаниб ётибди. Яшил либос кийган дарахтарлар, шаршара бўлиб қуйилаётган фавворалар, саккиз устун кўтариб турган ниллий гўмбаз, текис ва бежирим йўлқалар киши кўнглида ҳам фарах, ҳам ҳазин бир кайфият уйғотади.

Ёдгорлик мажмуининг айнан Бўзсув соҳилида барпо этилиши бежиз эмас. Зулм ва зуравонлик асосида қурилган мустақиллик бешафқат тузум даврида ўзгичлиги, миллат қадр-қимматини теран англаган маърифатпарварларнинг жасадлари мана шу ердаги тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган. Истиқлол туғайли ана шундай улуг зотларнинг ушлагани инсоний бурч адо этилди. Шунинг учун ҳам бу манзил шахид кетганларнинг ҳақиқатану дил яраши битмаган, кўз ёшлари тинмаган, айрилик дардуғами билан яшаб келаётган қавму қариндошларининг бекиёкс эҳтиром масканига айланган бўлган.

— Мустақиллик бизга бемисл имкониятни яратди, — дейди "Шахидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов. — Лекин мен ҳозир маънавий қадриятларимизнинг тиклангани ҳақида гапирмоқчиман. Негаки, биз истиқлолдан олдин кўнглимиздан кечадиган фикрларни ҳам эркин айтишга ҳаққисирардик. Энди эса дилимиздаги очиқ-ойдин, баралла баён этаётганимиздан бахтиёримиз. Уйлаб кўрайлик, илгари шахид кетган халқпарвар юртдошларимиз, уларнинг хотирасини бу қадар эъзозлаш мумкинлигини, ҳатто, тасаввур ҳам қилолмасдик. Озодлик насили, Юртбошимизнинг юрт шавъ-шавкати учун жон фидо қилган боболаримизнинг хотирасига юксак эҳтиром туғайли Ватан мустақиллиги йўлида қурашганларнинг умиди сураслиги исботланди. Бу зиратгоҳ биз учун қатагон қурбони бўлган, жисми бегона ўлкаларда қолиб кетган Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Усмон

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Ер юзиде машҳур университетлар бор. Англияда — Оксфорд, Кембриж, Вест-минстер; Германияда — Бонн; Италияда — Болонья; Голландияда — Вагенинг; Россияда — МГУ... Жаҳондаги ёшлар бу олий нуфузли халқаро таълим марказларида ўқишни жуда-жуда ҳавас қиладилар ва уларга интиладилар. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳам ҳозирги кунда илм-фан ва таълим оламида, ҳеч бир шак-шубҳасиз, ана шундай мавқеа ва мартабага эга. Халқимизнинг бугунги юқори даражадаги интеллектуал салоҳиятли бир миллат бўлиб шаклланишида ЎзМУнинг улкан ҳиссаси бор.

Унинг бағрида турли ўн йилликларда минглаб Ўзбекистонлик ёшлар замонанинг энг маърифатли ва маънавий заҳираси бўлиб етишди ҳамда халқимизнинг маданий ривожланиши йўлида фидойиларча хизматлар қилдилар. ЎЗМУда математика, физика, биология, қимё, геология, тарих, тил ва адабиётшунослик йўналишларида зарбадист илмий марказлар вужудга келди. Бу мактаблардан халқроқ миқёсда машҳур олимлар, адиблар, шоирлар, қаҳрамонлар арбоблар етишиб чиқди.

Мустақиллик даврида университетнинг бир қатор факультетлари манбаида мамлакатимизнинг янги олий ўқув юртлири шаклланди ва бугунги кунда бу таълим муассасаларида

жўшқин илмий ва педагогик фаолият олиб борилмоқда. Шу боисданки, 2000 йил 29 январда Президентимизнинг махсус Фармонида биноан, шу пайтгача Тошкент Давлат университети деб аталиб келинган мазкур олий ўқув юртига Миллий Университет мақоми берилди.

Яна бир изоҳ; ушбу нуфузли олий таълим муассасаси ХХ аср бошида миллатимизнинг буюк маърифатпарвар намоёндалари ташаббуси ва фидойчилиги билан дунёга келган эди. ЎЗМУ илк марта 1918 йилнинг 12 май кунини атоқли маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлигида Халқ дорилфунуни сиратида миллатимиз фарзандларига ўз эшигини очди.

Ифтихор

Қарорда яна бир ҳаёт ҳақиқати эътибор қаратилади. ЎзМУнинг нафақат мамлакатимизда, балки «бўтун Ўрта Осиё минтақасида энг нуфузли ва етакчи олий ўқув юртлиридан бири» эканлиги таъкидланди. Чиндан ҳам, Миллий университетимиз бешигида ўз вақтида бутун минтақанинг илмий-иқтисодий тафаккури, ақл-идроки, салоҳияти шаклланди, буни ҳеч қачон унутмайдимиз. Масалан, худди шу университет аудиторида бир вақтлар ҳозирги қозоқ адабиётининг мумтоз намоёнчаси, дунёга машҳур адиб Мухтор Аёзовнинг ақли эътибор таълим олганлигини мамнуният билан таъкидлашимиз керак.

Бугун ушбу университетда 13 та факультетда бакалавриятнинг 38 та



йўналишида 10300 нафар талаба таълим олмақда. Магистратурада 88 йўналишда 1947 нафар иқтидорли ёшлар камолга етмоқда. 95 та кафедра ва 16 та илмий лабораторияда 140 нафар фан доктори ва 425 нафар фан номзоди фундаментал, амалий, инновацион дастурлар ҳамда 114 та давлат грантлари асосида қизгин илмий фаолият олиб бормоқда. ЎЗМУ МДХ ҳамда Туркия, Япония, Хитой, Корея Республикаси, Малайзия давлатларидаги нуфузли олий ўқув юртлири билан илмий-педагогик алоқалар ўрнатган. Украинанинг Киев давлат университети билан профессор-ўқитувчилар алмашишини йўлга қўйган. Университетда Хитой, Корея Республикаси ва МДХ давлатларидан бир талай ёшлар таълим олмақда. Пировадда, ЎЗМУ мустақиллик даврида халқроқ миқёсдаги нуфузли олий таълим масканларидан бирига айланган ва бу табиий ҳол, албатта. Мамлакатимизда таълим-тарбия

соҳаси ривожига энг устувор вазиफलдан бири сифатида қараб келинмоқда. Президентимизнинг «Куч — билим ва тафаккурда» деган қаноти ибораси — умуммиллий гоғларимиздан бири сифатида мамлакатдаги барча кексаё ёшнинг қалбидан ўрин олган. Куч — билим ва тафаккурда, деб сўз қилишдан ишонганлигимиз учун ҳам бу мамлакатда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури каби стратегик ҳужжатлар қабул қилинди ва улар собитқадамлик билан ҳаётга жорий этилмоқда. Куч — билим ва тафаккурда, деб таъкидлашимиз учун ҳам Ўзбекистон Миллий университетидаги улуг таълим даргоҳимизнинг 90 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш тўғрисида Президентимизнинг махсус қарори эълон қилинди. Илм-фан, таълим-тарбияга юксак эътиқод билан бундай юртинг истикболи ҳам, шак-шубҳасиз порлоқ ва буюқдир.

М. САРАФОВ.



Томур ҚУРБОНБЕКОВ олган суратлар.

Хўжайли туманидаги «Абадан-Қувонч» фермер хўжалиги жамоаси

юртимиз аҳлига
9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан эҳтиром кўрсатар экан, меҳр-оқибатли халқимизнинг ҳар куни файзли бўлишини, буюк ва нурафшон келажак йўлида амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари мамлакатимиз раванқига хизмат қилишини тилайди.



Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Уларнинг замон талаблари даражасида таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида ёш авлод қалбига она-Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларини қўйишга ҳурмат туйғулари мустаҳкамлаш, уларнинг жамятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш каби масалаларга қаратилган чора-тадбирлар қўламоғида кенгаймоқда. Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилишида ана шулар ҳусусида сўз борди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, халқ таълими бўлими мудири ҳамда табиий муассасалар вакиллари иштирок этди. Йиғилишда шаҳар ва туманларда вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича муайян ишлар

амалга оширилатгани қайд этилди. Хусусан, турли байрам ва тадбирлар муносабати билан нигорон, уйда яққа тартибда ўқитилаётган ўқувчи ҳамда вазийликка бўлиган болаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Тарбияси оғир ўсмирларнинг 104 нафари Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳудудий бўлимлари қарашли техник-амалий спорт тўғрақлари жаъб қилинди. Бироқ вояга етмаганлар билан ишлашда Бағдод, Фарғона, Бешарик,



М. СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

«Наврўз» мебеллари

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида фаолият кўрсатаётган «Наврўз» ҳусусий кичик корхонаси мебелларини бугун юртимизнинг кўп жойларида билишилади. Самарқанд, Бухоро, Навоий томонларда корхонанинг диллерилик хизматлари ишлаб турибди. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган сав-

до дўконлари сони эса учтага етди. Ҳозир бу ерда мебелларнинг юзга яқин тури ишлаб чиқарилмоқда. Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Банклар ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2008 йил 10 июнь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклар ассоциацияси биносиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2008 йил 16 апрелдаги 5296/15-сонли ижро ҳужжатиға асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 3/4-уй манзилида жойлашган Жиноят ишлари бўйича туман суди ҳудудида сақланаётган, давлат рақами 30V7721 бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 316 871 сўм 60 тийин. Ушбу мулкни суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш истагидаги харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, объекти бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридеги закалат пулини Ўзбекистон Банклар ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альанс» минибанкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пуллари қабул қилиш савдолардан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB 001-000010.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади. 2008 йил 27 май куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобохонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан хатланган, «Қорабайир» савдо ишлаб чиқаруш корхонасига қарашли бўлган, Урганч туманининг Шовот канали бўйида жойлашган, умумий ер майдони — 23205,97 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони — 1256,2 кв. метрни ташкил қилган бино ва иншоотлар мажмуаси қўйилмоқда (1, 3-ёрдамчи бинолар, 1, 2-омборхона бинолари, мейхонхона биноси, иссиқхона биноси, 1, 3-ёрдамчи бинолар, 1, 6-бостирма иншоотлари). Бошланғич баҳоси — 238 390 087 сўм. 2008 йил 10 июнь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобохонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 23 мартдаги 664-сонли ижро варақасига асосан, Урганч тумани суд ижрочилири бўлими томонидан хатланган, «Субҳидан» ҳусусий фирмасига қарашли, Урганч тумани, С. Қалайдаров фермерлар уюшмаси, Фойиб қишлоғида жойлашган, қурилиш ости ер майдони — 567,83 кв. метр бўлган маъмурий бино ва иншоотлар қўйилди. Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм. Аукцион савдолариде иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Юқоридеги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдода иштирок этиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдоридеги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: АТБ «Ипотекбанк» и «Тинчлик» филиали, х/р 20210000700571452056, МФО 00580, ИНН 200933850. Кўшимча маълумотлар учун телефон: 8-362-226-32-63. Факс: 226-43-64. Лицензия: ФВ 001 № 000004.

Республика Кўчмас мулк биржаси Қорақалпоғистон филиали

нархлари ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2007 йил 16 апрелдаги 23-0705/181-сонли, 2007 йил 8 январдаги 23-0606/11949-сонли, 2007 йил 6 июлдаги 23-0704/5237-сонли, 2007 йил 6 августдаги 23-0705/6705-сонли, 2007 йил 24 сентябрдаги 23-0702/10634-сонли, 2006 йил 15 декабрдаги 23-0604/11283-сонли, 2008 йил 24 мартдаги 23-0606/7397-сонли, 2008 йил 19 февралдаги 413, 414, 415-сонли, 2007 йил 23 январдаги 23-0603/13948-сонли ижро варақаларига асосан, Нўкус шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан хатланган, Нўкус шаҳри, А. Дўстназаров кўчаси, 100-уйда жойлашган, «Қорақалпоқ МТП» ОАЖга қарашли, умумий майдони 286,03 кв.м. бўлган зал биноси. Бошланғич нархи — 92 330 300 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 13 июнь куни соат 11.00 да ўтказилади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Юқоридеги кўрсатиб ўтилган мулк билан суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдоридеги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Қорақалпоғистон филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: «Миллий банк» Қорақалпоғистон филиали, х/р 20210000100571452056, МФО 00582, ИНН 200933850. Лицензия: DB 001 № 000004. Кўшимча маълумотлар учун манзил: Нўкус ш., А. Шомуродова к., 117-№4 уй. Телефонлар: 8-361-222-84-44, 770-65-90.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25 232-10-63 242-хона

Ўзбекистон фохрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарма фаоли, уруш ва меҳнат фохрийси Мадамин Ҳасанова ўғли Абдухалил ҲАСАНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

КЎП ҚИРРАЛИ

Хаётимда кўпни кўриб, кўпни танидим. Журналист ва ёзувчи сифатида ХХ аср ўзбек адабиётининг катта-кичик ёшдаги бир қанча ижодкорлари билан мулоқотларда бўлганман. Илло, Шўхрат акадек хаётга зийрак кўз билан қараб қувонган танти, покиза, ҳалол, турмушда қутилмаган тўсиқларга сабр-тоқатли инсонни барчамиз ўзгача меҳр билан ардоқлардик.

Ёзувчи Шўхратнинг асли исми-шарифи Ғулум Алимов эди. Унинг ўзига хос овози, услуби, дунёқараши бор эди. Едимдан чиқмайди, ўтган асрнинг 50-йилларида мен «Қўзил Ўзбекистон» (ҳозирги «O'zbekiston ovozi») газетасида ишлардим. Шои Шўхрат билан гоёдош бўлган Мақсуд Шайхонда, Шўхрулло, Саид Аҳмад ва халқимизнинг қатор зийлилари мавжуд тузумга қарши тарғибот олиб боришда айб-ланиб, қораланишган эди. Кейин Сибирь, Шимолий Қозоғистоннинг одам оёғи етмас жойларига

сурғун қилиндилар. Шахса сийғиш сўбаси барҳам топган, замонлар ўзгарди. Ноҳақ қатагон қилинганлар ўз она юрталари — Ўзбекистонга қайтиб келишди. Аммо адабимиз Шўхрат эса ижодда давом этди, янги-янги асарлар ёза бошлади. Унинг «Хаёт нафаси» (1947 й.), «Қардошлар» (1950 й.) шеърлий тўпламларидаги жўшқинлик, мардонаворлик нафаси янги асарларида ҳам барқ уриб турганлиги халқимиз у-ун қувонарли эди. Едимда, 1968 йили Шўхратнинг «Жаннат қидирганлар» ро-

ИЖОДКОР ЭДИ

СОҒИНЧ

мани босилиб чиқди. Қатагонлик замони фожиаларига бағишланган мазкур асар республика Ёзувчилар уюшмасидаги айрим кишиларга эриш тулоди. Адибнинг бу асарини яна гоёвий тушқунликда, миллатчиликда айблагша уриндилар. Шўхрат ака кўп қиррали, сермаҳсул ижодкор эди. У насрда ҳам, назмда ҳам қалами чарқаланган, ҳам ширинсухан шоир, тётан фикрли ёзувчи эди. Юқорда зикр этилган икки шеърлий тўплами эл озғига тушиб, ўқувчилар хурмат-эътиборини қозongan эди. Адибнинг нозик дид билан яратган шеърлий

(1961 й.), лирик оҳанларда битган «Кавказ дафтари», «Қиз табассуми» каби хаёт нафаси уфуриб турган асарлари ўқувчиларнинг, айниқса, ёшларнинг сеvimли китоби бўлиб қолганди. Адиб ижодининг энг чўққиси унинг уруш йилларидаги воқеалар акс эттирилган «Шинелли Йиллар» (1947-1957 й.й.), «Олтин зангалмас» (1967 й.) романлари ва ниҳоят «Беш кулик куёв» (1970 й.), «Қўша қаринглр» (1971 й.) комедиялари адабиётимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. 1984 йили нашр этилган «Хали тун узок» шеърлий китоби ади-

тимиизнинг халқимизга ўзига хос армуғони бўлди. Шўхрат ака халқимизнинг сеvimли, ардоқли шоири, ултига олинадиган юртдошларимиз сафида улғур инсон Шўхрат ҳам бор. Қани энди, бир мўъжиза юз берса-ю, шоир Шўхрат Истиклолимизнинг ҳозирги нурафшон замонасини ўз кўзи билан кўрса, қанчалар қувонган бўлур эди. Шоир Шўхрат 1993 йили Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. 2003 йили эса давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан Ўзбекистон фани ва маданиятига бекуёс ҳисса қўшган, бутун хаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маданиятини расраб-авайлашга бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган илмий-ижодий меросини инобатга олиб, бир гуруҳ марҳум олим, адиблар қаторида Шўхрат ҳам «Буюк хизматлари учун» ордени билан муқофотланди. Хаётда ҳам, ижодда ҳам ўз номини қалдирган Шўхрат халқимиз қалбига яшайди.

Мақсуд ҚОРИЕВ.



май
— Хотира ва қадрлаш куни

МУСИҚАГА БАХШИДА УМР

...У уч ёшида отасидан, ўн ёшида онасидан айрилди. Амакилари қўлида тарбия кўрди. Лекин жонига туташиб қондошлари ҳам пешонасига сиймади. Акаси Мисобо Бурхонов 1933 йилда қамоққа олинди. Уни отиб ташлашганида бор-йўғи 32 ёшда эди. Журналист ёзувчи, жамоат арбоби саналган амакилари Маскардин, Мукамил, Муаммир Бурхоновлар 1937 йилда «халқ душмани» дея қатл этилдилар. Қаранг, бир сулола бошига шунча кўргулик. Муталининг мустиқага, нафосатга ошно нозик қалби бу жудаликлрнинг қандоқ кўтарди экан? Ҳар ҳолда мустабид тузум чангалидан соғ-омон қолганининг ўзи мўъжиза. Ахир, қатагон даврида нафақат миллатнинг энг зуқко, фидойи кишилари, балки уларнинг оилалари ҳам бадном этилган...

Мутал ҳаммасига дош берди. Еруғ кунлар умиди билан яшади. Домла Халим Ибодов, Ота Гийёс, Хожи Абдулазиз Абдурашулов сингари устозлар қўлида сабоқ олиб, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдулхамид Чўлпон, Боту, Элбек иштирокидаги ижодий кечаларда қатнашиб нозиктабъ бастакор бўлиб етишди. Буни 1946 йилда Ўзбекистон Давлат маданиятини яратиб бўйича эълон қилинган танлов ҳам очик-ойдин кўрсатди. Шоир Темура Фаттох ёзган матнга куй басталаран тахрибли композиторлар қаторида эндигина ўттиз ёшга қадам қўйган Мутал Бурхонов ҳам бор эди.


Тақдир

Танловда овоз бериш ёпиқ тарзда ўтди. Унинг Шашмақомдан илҳомланиб яратган мустиқаси гоғиб деб тоғилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, янги талқиндаги Давлат маданиятига эътиҳб туғилди. Танлов ўтказилди. Мутал Бурхонов томонидан яратилган ўша мадҳия ҳам гоғибликка даввогар мустиқа асарлари қаторида бор эди. Бу воқеани Мутал Бурхонов ўзининг «Кўнгил хазинаси» деб номланган хотира китобида иччамгина қилиб шундай хикоя қилади: «Юртимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов мустиқага мослаб янги маттни муваффақият билан ёзиб, ўз маҳоратини яна бир бор намойиш қилди. Биз Абдуллажан билан бир неча ҳафта давомида ҳар бир оҳанг, ҳар бир бўғин устида машаққат билан ишладик. Меҳнат зое кет-

мади. Танлов қатнашчиси сифатида мустақил давлатимиз парламентида ўтирар эканман, қалбим гурурга тўла эди. Чунки шу мустиқа барчанинг қалбидан жой олганига ишонардик. Мустиқанинг ярмига келганда олқишлар бошланди.

— Устоз жуда нозиктабъ, ўзларига нисбатан ниҳоятда талабчан инсон адилар, — дея эслайди Бурхонов санъат коллежи директори Б. Ярашев. — Эсимда, бир гал ярим ҳазил, ярим чин қилиб, «Мен яратган мадҳия янграганида юртимиздаги тинчлик-осойишталикни кўра олмайдиганлар ҳам ўринларидан турришга мажбур бўлишди» дегандилар.

— Ўзбек мустиқаси тарихида Мутал Бурхонов биринчи бўлиб яккадон, хор ва симфоник оркестр учун беш қисми «Абадий хотира» номли рекевием яратди, — дейди БухДУ доценти Аҳмад Баҳриев. — Халқимизнинг буюк фарзандлари Абдулла Кодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир, Файзулла Хўжаевлар хотирасига бағишланган бу асар 1996 йилнинг 14 майда бастакорнинг юбилей кечасига бағишланган концерт дастурида илк бор ихро этилди. Бастакор «Табассум қилмадинг ҳеч» романиси, «Алишер Навойга қасида», «Алишер Навой» операси билан мустиқий навоийномага асос солган. Унинг М. Левиев ва И. Акбаровлар билан ҳамкорликда «Мафтунингман» ва «Орол балиқчилари» кинофильмларига яратган дилбар қўшиқлари ҳамон янграб келмоқда.



"ПЕТРОНАС" компанияси Ўзбекистон фахрийларини Хотира ва қадрлаш куни билан чин қалбдан табриклайди!



Ҳамширанинг Акбар Қурбонов хонадонига тез-тез келишидан қўшнилар хавотирга тушди. Ахир, Акбар аканинг кекса онаси ногирон. Тинчликмикан? — Онахонинг соғлиғи яхши, — дейди ҳамшира Тамара опа уларни тинчлантириб. — Аммо боғчага қатнаётган Нарғиза сариқ касал бўлиб қолибди. Ўтган кунни хоналарни дезинфекция қилдирдик. Оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтди. Уларнинг соғлиғини 35 кун мобайнида назорат қилиб борамиз. Тана ҳароратлари махсус вараққа қайд этилади.

МАҲАЛЛА ҲАМШИРАСИ — ОИЛА ТАЯНЧИ

Бу маҳалла ҳамшираси кундалик фаолиятидан бир лавҳа, холос. Агар бемор яшайдиган ҳовлида чорва, парранда боқилаётган бўлсами, ташвиш янада кўяйди. Жиззах шаҳрининг «Заргарлик» маҳалласида чорак асрдан буйи ҳамширалик қилиб келаётган Тамара опа Маҳмудова ҳамкасблари билан ҳовлида юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича кўйиб юради. Даволашдан ташқари тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боради.

Саломатлик



Маҳалла ҳамшираларига ўртача 120-140 тадан хонадон бичкитилган. Улар билан сўбатлашсангиз, ўз худудларида яшовчи каттаю кичик соғлиғини мунтазам кузатиб, назорат қилиб боришга таянганга ишонч ҳосил қиласиз.

Дарвоқе, 1-оилавий поликлиникада юририлаётган картографияларда шаҳардаги «Заргарлик», «Сайилжойи», «Жиззахлик», Х. Абдуҷаббаров номдаги маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар, ҳовлиларда яшовчи 20821 нафар фуқаро соғлиғи туғрисида етарлича маълумот олиш мумкин. Ҳар ҳафтада янгилаб туриладиган кўрсаткичларда ҳомиладор аёллар, чақалоқлар, турли касалликларга чалинган, кам қонли, даволашни лозим бўлган беморлар соғлиғи, шунингдек, тиббий кўрик ҳамда эмлаш натижалари акс этган.

— Шиқфорк Ҳамдам Одилов ва ҳамшира Саодат Носирова-лар маҳалламизнинг фахрига айланган, — дейди Х. Абдуҷаббаров номли маҳалла ФЙ котиби Умнат Қилчоқов. — Кўпчилик Саодатни «Ўзимизнинг ҳамшира», деб аташди. Негаки, у деразали ҳар кун кўз ўнгимизда хонадонларни айланади, зарур пайтда ёрдамга шай туради.

Жорий йилдан бошлаб поликлиникада тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида аҳолининг тураржойлари бўйича тажрибали ҳамширалар бичкитиб қўйилганлиги яхши самара бераётир. Махсус рўйхат асосида маҳаллаларга чиқаётганлар сафида 13 нафар олий, 19 нафар 1-тоифали ҳамширалар бор.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЛОВИЯ — НОЁБ НЕЪМАТ

Ўзбек пазандчилигида ловия қувватбахш таомлар масаллиғи бўлиши билан бир қаторда кўпгина хасталиклр давоси сифатида қадрланади.



Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ловияни кўркек оғриғи ва ўпка касалликларида ижобий натижа беришини айтиб ўтган. Шунингдек, ловия аъзолардаги тошларни нуратиб, қони поккашлаш хусусида зга эканлиги борасида маълумотлар бор. Қандли диабет хасталиғига даво бўлуви қўйилганча амал бор. Бунинг учун ловия кўзоқларидан 1 хисса олиб, унинг устига 10 хисса сува қўйиб 10-15 дақиқа енгил алағга устида қайнатиб олинган, дамламадан ярим пилла микдоридан кунига 2-3 маҳал оватлашдан ярим соат олдин ичиб турилади. Европа мамлакатларида,

айниқса, кексаларда учрайдиган қандли диабет хасталиғида ловия қўшиб, сунлий тайёрланган дори-дармонлардан ҳам фойдаланилади. Замонавий тиббиётда ловиядан парҳезоп шифобошх масаллиқ тарихида фойдаланилади. Ловия дуқакларидан тайёрланган сувоқ ва қуюқ экстрактларнинг қондаги қанд микдорини 30 фоизгача камайтириши тахрибада аниқланган.

Буйраксимон ловияда шундай бир шифобошх омил тоғилганки, у одамни бир қанча юқумли касалликлардан муҳофаза этади. Ҳозирги вақтда бу фойдали моддаларни саратон касаллиғига қарши қўллаш устида илмий-тадқиқотлар олиб бориломоқда. Илмий изланишлар шундан далолат берадики, ловия дуқакларида маълум микдорда биоген бирикмалар мавжуд бўлиб, улар одам организмда лейкоцитларнинг фаолиятини уйғунлаштириди (яъни организмга кириб қолган ётзарарли моддаларни, бактерия ва микробларни отиб йўқ қилади). Шу туфайли гиличиллаб, битмайидиган яраларга ловияни қуқунга айлан-

ловия хушрўйлаштируви беозор, самарали маҳсулот сифатида ҳам ишлатилиши мумкин. Бунинг учун ловия сувада қайнатилиб, элак қўздан ўтказилади-да, лимон шарбати ва усимлик мойи билан аралаштирилиб юзга суртилса, ажинларни кетказиб, ёлқинчи, жозибали кўриниш беради. Урни келганда, шуни қайд этиб ўтиш жоизки, атеросклероз, подгара, меъда-ичак яллиғланиши билан азиятланган кишилар ловияли таомларни истемъол этмасликлари лозим. Чунки ловия таркибида гурын асослари салмоқли микдордадир. Йилнинг салқин, совуқ палла-ладаки ловияли таомлардан истемъол қилиб туриш юқумли касалликлардан муҳофаза қилишда, аъзоларнинг курашчанлигини оширишда ёрдам беради.

Дано ХЎЖАЕВА, доришунос.

«Нуроний» жамғармаси, Мавнавий тарғиботи маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати Самарқанд вилояти бўлими «Ёшлар мавнавияти» — нуроний маърифати» ташаббусини мақсади ёш алоди-

Оталар сўзи — ақлнинг кўзи

ни хаётга юксак эътиҳод ва қарашлар руҳда, турмушимизга ёт бўлган оқимларга қарши тура олади-ган, миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар асосида тарбия-лашга қаратилган. Белгиланган режага кўра, ушбу жамоатчилик харакатига қайд этилган отахон ва онахонлар ўзлари истемъол қиладиган тураржойларда, маҳалла марказлари ва чойхоналарда ёшлар билан мавнавий-маърифий мавзуларда сўбатлар ўтказилади. Абдурауул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ижтимоий хизмат маркази

«Камолот» ёшлар ижтимоий харакати Марғилон шаҳар Кенгаши «Гураввал» маҳалла фуқаролар йиғини худудида ёшлар ижтимоий хизмат марказини ташкил этди.

Изланиш

Айни кунларда 124 нафар ёшлар компьютер саводхонлиги, биринчи тиббий ёрдам, инглиз тили, бичув-тикув, ҳуқуқий маслаҳатхона каби замонавий касбларни ўргатиш тўғрисидаги бепул катнамоқда. Йил мобайнида ушбу марказда 500 нафар ёш касб эгаллаши режалаштирилган. Муҳаммадjon МАҲМУДОВ.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхад босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жошонов.
Навбатчи — З. Жошонов.
Мусаҳҳид — Ш. Манраббобов.